



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI HUZURIDAGI BOJXONA QO‘MITASI**

CUSTOMS COMMITTEE UNDER THE MINISTRY OF ECONOMY AND FINANCE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100003, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi 3, tel.: 55 502-76-00, www.bojxona.uz, customs@exat.uz, info@customs.uz

2024 йил 14 март

12/05-24-00580

Божхона брокерлари уюшмаси

г. Ташкент, ул. Фергана йўли, 23

*2024 йил 11 мартдаги
АО-01/019-сон мурожаат юзасидан*

Мурожаатингизда келтириб ўтилган масалалар ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 88-банди ижросини таъминлаш мақсадида «Е-транзит» автоматлаштирилган ахборот тизимининг «Экспорт уч қадамда» модули ишлаб чиқилиб, 2024 йил 25 март кунидан синов тариқасида ишга туширилиши режалаштирилган.

Синов натижаси юзасидан товарлар мазкур модул орқали “экспорт” божхона режимига расмийлаштирилади. Мазкур модулда расмийлаштирилган товарлар учун Юкни етказиб бериш назорат ҳужжати тўлдирилмайди.

2. Божхона қўмитаси раҳбарияти ҳамда тегишли бошқармалар билан биргаликда Солиқ қўмитасининг мутасадди ходимлари иштирокида ишчи учрашув ўтказилган. Мазкур учрашувда онлайн ахборот алмашинуви бўйича божхона органларининг айрим дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда Солиқ қўмитаси билан имзоланган Технологик йўриқномани қайта имзолаш юзасидан якуний хулосага келишилган.

Ҳозирги кунда “экспорт” божхона режимига расмийлаштирилган товарларнинг чегара божхона постларидан чиқиб кетганлиги бўйича маълумотлар онлайн тарзда Солиқ қўмитасига тақдим этилмоқда.



И.М.Мухторов
Раиснинг биринчи
ўринбосари
14.03.2024 йил.
№ 7-196575/24



И.М.Мухторов
Раиснинг биринчи
Ўринбосари
14.03.2024 йил.
№ 7-196575/24